O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ассалом, янги йил, янги режалар!

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган | № 49(65876) 1995 йил, 26 декабрь, сешанба | Сотувда эркин нархда

ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК, БОЛАЖОН!

Оталар қувончи, оналар бахти,
Дунёнинг таянчи, насл эртаси.
Уйларнинг бозори, умримиз кўрки,
Сен одам, оламнинг гулгун эркаси.

Сен борсан, дунё шўх кулгуга тўла,
Сен борсан, элатим бағридир бутун.
Ҳар қандай ғам-андуҳ, аламдан кўра,
Гулгун табассуминг тураби устун.

Дейдиларки, бири кам эрур дунёнинг,
Кимлардир ардоқлар, ким тирноққа зор.
Гулгун ғунчалари очилмай туриб,
Хору хас айлаган инсонлар ҳам бор.

Болажон, бир лаҳза кўзларимга боқ,
Қўлимни қўяйин эгик бошингга,
Руҳингни баланд тут, беғубор гўдак,
Бундайлар арзимас қатра ёшингга.

Яшагин, қувонгин, даврон сеники,
Навоий, Нодира, Темурий насли.
Халқ меҳрин ҳамиша дилингга жо қил,
Келажак эгаси, сен ўзинг асли!

Феруза ЖАЛИЛОВА

Кўнгил ғурурга тўлар ўтган кунлардан

- 2 март — Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.
- 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами.
- 21 март — Наврўзи олам байрами.
- 9 май — Жаҳон халқларининг фашизм устидан қозонилган ғалабаси куни.
- 27 июнь — Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни.
- 2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат Тамғаси тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кун.
- 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами.
- 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кун.
- 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун.
- 10 декабрь — Ўзбекистонинг Давлат Мадҳияси тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кун.

ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, МУБОРАК КЕЛСИН!

Байрам арафаси. Эрталаб алламаҳалгача ухлаб қолибман. Қуёш нурлари дераза оша тепамда: «Вой уйқучи-ей» дея кулиб турганга ўхшади. Апил-тапил кийиниб ҳовлига чиқдим. Ҳаммаёқ оппоқ. Дарахтларнинг момиқ пўстини кучсиз офтобда ялтиллаб, кўзни қамаштиради.

Онажоним тайёрлаб қўйган илиққина сувда ювингач, уйга кирдим. Оила аъзоларимизнинг ҳаммаси нонушта қилишаётган экан. Дастурхонда одатдагидек иссиқ нон, қаймоқ, майиз, туршак...

— Кечаси алламаҳалгача шеър машқ қилганинг учун уйготмай қўя қолдим, — дедилар онам.

Мен шу тобда жуда-жуда бахтиёр эдим. Ҳаммага бирма-бир жилмайгим, ҳар бирларини қучгим келарди.

Ҳа, мен бахтли саодатли фарзандман. Падари бузрукворимга, онажонимга, опам Нодира, сингилларим Адиба, Наргиза, Ўғилойларга: «Мен ҳаммангизни яхши кўраман» дея қичқиргим келяпти. Чунки мустақил Ўзбекистонимга яна бир янги — бахтга тўлиқ Йил ташриф буюрмоқда. Бобожонлар, момжонлар, отажонлару, онажонлар, акалар, опалар, укалару сингиллар! Сизларнинг ҳам ҳаммангизга Янги 1996 йил қутлуғ келсин, муборак келсин!

Дурдона ДАРМОНОВА,
Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Турғунбой Юсупов номидаги 5-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

● *Ёқуб ХЎЖАЕВ — «Солнышко» газетаси бош муҳаррири:*

ПОЧТА ҚУТИСИДАГИ ҚУВОНЧЛАР

Агар ҳозир кўчага чиқиб, ун нафар ўғил бола ёки шунча қиз болани тўхтатиб:

— Сизнинг севимли байрамларингиз қайси? — деб сўрасангиз, бир овоздан «Мустақиллик», «Наврўз» ва албатта энг яхшиси «Янги йил» деб жавоб қайтаришади.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, ахир янги 1996 йил сайёрамизда одимлаяпти. Уни «сеҳргар» деб аташлари ҳам бежиз эмас. Янги йил эшик қоқаётган айни дамларда ҳар бир хонадонда байрам тараддуди. Болажонлар мактаблари, саройлари, клуб ва боғчаларини безатиб, кувноқ янги йил карнавалига, арча атрофидаги серзавқ ўйинларга, қўйни-қунжи совға-саломлар билан лиқ тўла Қорбобо ва гўзал Қорқиз билан учрашувга ҳозирлик қуряптилар.

Қишки таътил кунларида эса болажонлар учун энг ажойиб совға «Тонг юлдузи» газетасининг янги йилдаги биринчи сонининг чиқишидир. «Тонг юлдузи» тонгги юлдузлар орасида энг ёркинидир. Газетани қўлингизга олинг-да, варақланг. Унда сиз республикадаги тенгдошларингизнинг мароқли мақола ва хабарлари, ҳикоя ва шеърлари, қисқаси, болалар ҳаётига оид кўплаб ғаройиб воқеа-ҳодисалар ҳақида уқиб, ҳузур қиласиз. Ўзбекистонимизда рўй бераётган оламшумул ишлар худди кўзгуда аксини топгандек, «Тонг юлдузи» саҳифаларидан жой олади.

Шукурким, қийинчилик дамлари ортда қолди. Ҳукуматимиз ва бевосита Давлат Матбуот қўмитаси болалар нашрларига алоҳида ғамхурлик кўрсатиб келмоқдалар. Зарур бўлган моддий маблағимиз бисёр, муҳарририятларимизда истеъдодли қаламкашлар ижод қилишади. Жонажон диёримизнинг турли бурчакларидан минглаб ўқувчи-ёшлар ўқийдиган қадрдон «Тонг юлдузи»мизни янада ўқимишлироқ чиқиши учун бор куч ва ғайратларини, бой тасаввурларини ишга соладилар. Истардимки, «Тонг юлдузи» ёркин тонг юлдуз мисол эрта тонгда ҳар бир муштарийнинг хонадонига эзгулик ва яхшилик олиб кирсин! Уларнинг энг яқин дусти ва маслаҳатгўйига айлансин.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз болажонлар барча-барчангизни янги йил билан самимий муборакбод этаман. Дилимдаги барча эзгу-ниятларим сизларга, «Тонг юлдузи»нинг заҳматкаш жамоасига!

● *Сафар БАРНОЕВ — «Гулхан» журнали бош муҳаррири*

ТОНГНИНГ ОППОҚ НУРЛАРИ

Болалигим — пошшолигим деган сўз бор. Биз уни баъзида шунчаки ишлатамиз. Аслида эса болалиги билан кунда кўришган, ундан бир қадам узоқ яшамаган кишигина бу олам завқини яхшироқ ҳис этади. Мехрли, оқибатли бўлади. Болалиги билан эртароқ хайрлашган одам эртароқ қарийди. Юзларини ажин босади...

Бу қўрқитиш эмас. Мен бўни ўзимча исботлашга ҳаракат қиламан. Бизни набирам деб бошимизни силаган момою боболаримиз ажабтовур эртакчи эдилар. Ҳар қадамда менинг чиройимни ёқувчиларим деб, ийдириб, суйдириб ўзлари билан бирга олиб юрардилар. Ана шу эргашиб юришлар натижасида биз дунёнинг пасту баландини ўргандик. Яхши, ёмон одамларни танидик. Муҳими, ўзимизнинг кимлигимизни англадик. Зийракроқ ўсдик. Яширмайман. Шахсан ўзим эртагу достонлар таъсирида улғайдим. Олдин бобомдан эшитган бўлсам, хат-саводим чиққач, ўзим меҳмонлар даврасига кириб «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Авазхон» каби достонларни ўқиб берганман. Ў йилларда каттаю кичикда китоб ўқишга, ривоят эшитишга ихлос кучли эди. Мен асосан эллигинчи йилларни кўзда тутяпман. Ҳамма билади, мен эслаган йилларда турмуш унча яхши эмасди. Аммо илм ўрганишга интилиш кучли эди. Иккинчи томондан хўда-беҳуда вақтимизни ўғирловчи, зеҳнимизни ўтмас қилувчи давр яратган ойнаи жаҳон ҳам йўқ эди. Китоб ўқиш, мусиқадан завқланиш кучли эди. Турлитуман ахборотлар юки елкамизни босиб турмасди. Қўнилқўшни, дўсту ёр орасидаги қадримиз баланд эди. Бунинг ҳаммаси маърифий йиғинларнинг таъсири, яхшилик ёвузликни енгади деган умид билан яшашимизнинг натижасидан эди.

Тараққиёт ҳамиша инсон ақли, зеҳни билан юзага келади. Ана шу ақл бизни нурли Истиқлол йўлига олиб чиқди. Мустақил Ўзбекистонимизга эга бўлдик.

Шу ўринда яна бир гапни айтмоқчиман. Ҳадеб ўтган кунларни қоралаш, нолишлар билан яшаш ҳам унча хуш келмайди. Биз ҳеч қачон аждодларимиз босиб ўтган йўлни шудгор қилолмаймиз. Аксинча, улар изини давом эттириб, ўз йўлимизни очиб олишимиз керак.

Ватан остонадан бошланади дейишади. Шундай савол туғилади. Биз ўз ота-онамизнинг кимлигини, жамиятдаги ўрнини яхши биламизми? Бордию билмасак, биз ўз тарихимизни, аждодимизни, бутун бошли миллатимизни қаердан танийміз? Ўзбекистонимизни-чи? Яшаётган дунёмизни-чи? Яқинда машҳур бир ёзувчининг ўғлига: «Отангни хотирлаб «Гулхан»га бир эсдалик ёзиб бер» дедим. У ҳўп деди. Ҳатто муддатини ҳам келишиб олдик. Ниҳоят ёзувчининг ўғли хатосини тан олди.

— Ака, кечирасиз, мен отамни яхши билмас эканман. Кўп уриндим. Аммо хотирлаб ёзадиган гап тополмадим.

Даста-даста рўмонлар ёзиб, шоиру ёзувчи бўлиб элга танилган адиб ҳақида унинг боласи, бугун «Мен фалончининг ўғлиман» деб юрган йигит отаси ҳақида бирор гап айтолмаса, буёғига нима дейсиз?

Кичкина дастурхонни тўлдириш, қора қозонни қайнатиш, бизнинг эркалигу инжиклигимизни кўтариш учун ота-онамизга оллоҳ қанча қудрату сабр берган. Чидаму тоқат берган. Ёши улуғлар бошингга рўзғор ташвиши тушганда биласан, деб беқорга айтмайдилар. Оддий рўзғор юкини Мустақил Ўзбекистон миқёсида тасаввур қилсакчи. Ана шунда юртбошимизнинг нечоғлик юртпарвар, халқпарварлигини озгина бўлса-да, ҳис этамиз. Айтамизми, айтмаймизми, Президентимиз фидоийлигини бутун дунё тан олиб турибди.

Қадимдан дуоғўй доноларимиз энг биринчи тани-жонинг соғ бўлсин деб дуога қўл очишган. Ўзбекистонимизнинг, унинг жонкуяр эгаларининг танижони соғлиги туфайли бугун Республикамиз катта юксалиш сари одимлаяпти. Хотиржам, осойишта яшаётган мамлакат халқигина ана шундай тетик нафас олади.

Мустақиллик руҳи билан яшаётган халқимиз фақат ҳалол меҳнати билан келажагини яратишига тўла ишонч ҳосил қилди. Қўшма корхоналар, автомобил заводлари қурила бошланди. Бугун неки қурилса, яратилса, эртанги эгаси сиз бўласиз.

Мен ҳамиша бир ният билан яшайман. Ўғлинг кўчага чиқса, юрғанида ер лорсиллаб турса. Қизинг кўчага чиқса ўша достонлардаги Барчинойларга ўхшаса, Кўрган одам ҳавас қилса. Алпомиш келбатли ўғлонлари бор юрт, Барчинойдай барваста қизлари бор мамлакат ҳамиша гуллайди. Ўзбекистон ана шундай фарзандлари бахтига, фарзандлари бўлса, Ўзбекистон бахтига айланади.

Мустақиллик завқи билан яшаб, эсон-омон 1996 йилни кутиб оляпмиз. Оддий қаламкаш сифатида шахсан ўзим орзу қилаётган зеҳнли, ақлли болалар ҳақида янги йилда бир қатор ҳикоялар, шеърлар ёзмоқчиман. Дарвоқе, юракка яқинларини ўзимнинг «Тонг юлдузи»мга тақдим этаман.

«Тонг юлдузи» — ўз номи билан юраккаяқин. Эндиликда унда дили пок, иқтидорли сингилларим, укаларим хизмат қилмоқда. Болалик оламидан узоқлашмай келаётган бу жонбозларга янги йил омадли бўлсин. Муҳими, барчасининг тани-жони соғ бўлиб, чеҳралари юлдуздек чарақлаб турсин.

Унинг ўқувчилари бўлмиш Сизларга айтадиган гапим, газетангизни севинг. «Тонг юлдузи» тонгнинг оппоқ нурларидек қалбингизга, хонадонингизга кириб борсин.

Ана шу ниятда биз сизнинг йўлингизга «Гулхан» ёқиб турамиз.

● *Эркин МАЛИКОВ — Ўзбекистон радиоси болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар таҳририятининг бош муҳаррири*

ИШОНЧИМ КОМИЛ...

Азиз болажонлар! Сиз юртимизнинг машҳур шоир ва ёзувчилари: Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Ҳаким Назир, Худойберди Тўхтабоев, Ғафур Ғулом, Зафар Диёр, Ҳамид Олимжон, Шукур Холмирзаев... Эҳе, уларни санаб адоғига етиш қийин — шуларни яхши кўришингизга чин дилдан ишонаман. Билсангиз, уларнинг илк асарлари шу «Тонг юлдузи»да босилган. Ҳа, газета уларга ижод қилиш майдони бўлган.

Яна сиз Тоҳир Малик, Сафар Барноев, Ёқуб Хўжаев, Суроб Йўлдошев, Раззоқ Абдурашидов, Омон Мухторов, Мурод Ҳидиров, Чўлпон Эргашев, Сулаймон Раҳмон, Абдусаид Кўчимовларнинг ҳам асарларини севиб ўқийсиз. Улар эса шу «Тонг юлдузи»да ишлашган. Ҳа, газета шунча болалар ёзувчиларини тарбиялаган, боққан, кийинтирган. Бу сўзларни айтишдан мақсад газетангизни севинг, ардоқланг, унга обуна бўлинг, нашрни кўпайтиринг. Газета сиз учун ҳам ижодий, маънавий мактаб, маслаҳатчи устоз бўлади. Мен газетанинг миллион нусхада чиққанини кўрганман. Худо хоҳласа, 1996 йилда «Тонг юлдузи» ана шу рақам томон силжишни бошлайди. Бунга ишончим комил.

● *Саъдулла ҲАКИМ — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири*

КЎНГЛИМ ЧАРОҒОН

Азиз болалар!

Халқ зиёлилари — педагоглар нашри «Маърифат» газетасида ишлаётганим боис, мактаб ҳаёти юрагимга яқин. Сизнинг теран нигоҳингизга тез-тез дуч келиб тураман. Бегубор қалбингиздан кўнглим чароғон бўлади. Бетизгин иштиёқингиз юрагимга шавқ ва ҳаяжон солади.

Сиз ҳар лаҳза болалик — буюк имкониятлар мамлакати эканлигини ёдга солиб турасиз. Мангулик мактабида доно муаллим бўлган Ватан тарихи ҳам шундай сабоқ беради. Улуғларимиз Амир Темур, Ибн Сино 10 ёшида Қуръондай муқаддас китобни ёд олишган. Алишер Навоий бола пайтидаёқ кунглига Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини бутунлай, йиғитлик остонасида эса юз минг сатр шеърни жо қилган. Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» қиссасини ўқиган бўлсангиз, тўрт ёшли Алишер ғаз келганида от чоптиришдан фикр юритиш яхшироқ» деб айтади.

Хулласи, бугун сиз учун ана шу буюк имкониятлар бағри кенг очиқ. Астойдил ўқиш, ўқиш, фикр юритиш замони. Сизларнинг истеъдодингиз ва салоҳиятингизга мустақил Ўзбекистон мунтазир. Мамлакатимиз истиқболи, фахри ва ғурури эканлигингизни бир дақиқа бўлса-да, унутмаслигингизни истардим. Кириб келаётган Янги йил эзгу мақсадлар йўлида сиз учун мустаҳкам поғона бўлиб қолсин!

БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг IV сессиясида нутқ сўзлади.

****

Болаларни йўл-транспорт ҳодисаларидан асраш мақсадида Наманган вилоятидаги йўлларга машина гилдирагига «Диққат: болалар!» сўзлари ёзилган белгилар ўрнатила бошланди.

****

Қўрғонтепа шаҳридаги хусусий «Хўжа» фирмаси бу ердаги 8-гимназияни бепул тўла таъмирлаб берди.

****

Зарафшон яқинидаги Заҳаробод шаҳарчасида «Агама» қўшма корхонасининг биринчи филиали иш бошлади. Бу ерда асосан болалар учун кийим-кечаклар тикилмоқда..

****

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Лутфий номли 254-мактабда шаҳар бўйича «Мактаб ўқувчиларига кутубхоначилик ва библиографиядан билим бериш» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

****

Андижонлик мактаб ўқувчилари вилоят болалар ва ўсмирлар илмий марказининг 60 йиллигини тантанали нишонладилар.

● *Ёйра САЪДУЛЛАЕВА — «Ғунча» журнали бош муҳаррири*

«ҒУНЧА»ДЕК ЁҚИМТОЙ БЎЛИНГ

Тахририятдан қўнгироқ қилишганда ғупиллаб қор ёғаётган эди. «Ғунча» деразаларидан қараб туриб шу қор парчаларидек парвоз қилгим, болалар билан гурпаклашиб қорбурон ўйнагим келиб кетди. Яна бир пайдо бўлган севинч — янги йилда ҳам қор ёғсин-да, болалар маза қилиб чана учишсин. Қорбобонинг совғаларини олишсин, деган ниятим эди. Чунки мен ҳам болалигимда шундай совғаларни яхши кўрардим.

Биз боғчада эканмиз, ҳар йили арча байрами ўтказилар, «Шолғом» эртагининг расми туширилган пақирчада совға беришарди. Унинг ичида турли хил попуклар, печеньелар бўларди. Ҳар йили мен янги йил киришидан ҳам аввал ўша пақирчани орзиқиб кутардим. Энди бу пақирчалар урнини елим халтачалар эгаллаган. Лекин ҳар бирингиз уни мендек ҳаяжон билан кутишингизга ишонаман.

Қандай яхши, сиз, менинг ёш дустларим, яна бир ёшга улғаясиз. Демакки, ақлингизга ақл, билимингизга билим қўшилади. Эҳтимол бу борада «Ғунча» журнали ҳам сизга ёрдам берса ажаб эмас. Яқинда менга бир она ўйларида бўлган воқеани айтиб бердилар. Ишдан қайтсалар, ўйлари тупалон. Меҳмонхона эшиги ичидан қулфлоғлиқ. 2-синфда ўқийдиган ўғиллари хона эшигини ғурс-ғурс уриб, нуқул «очинг», деб бақирармиш. Охири йиғлаб юборибди. Она буни кўриб аввалига қўрқиб кетибди. Кейин билсалар, катта ўғиллари «Ғунча» журналини ўқасига бермай, ўзи кўриб олмоқчи бўлган экан...

Мен сизларга шуни хушнудлик билан айтаманки, севимли журналингиз янги йилдан бошлаб, ҳар ойда чиқадиган бўлади. Журнални ўқиб, Ватан деб аталмиш буюк ошиёнинг қудрати неларда эканини тушунасиз. Амир Темур бобомизнинг ҳаётлари ҳақида, буюк алломаларимиз ҳақида лавҳалар билан танишасиз. Унда сиз аввалгидек эртаклар оламига сайр қиласиз, ҳикоялар, янги шеърлар ўқийсиз. Расмлар томоша қиласиз. Уларга қараб ҳикоялар тўқийсиз. Тошпишмоқлар топасиз. Турли ўйинчоқлар ясайсиз. Хуллас, «Ғунча» барчангизнинг дустингиз. Билмаганингизни ўргатади. Ўзи ҳам сизлардан кўп нарсаларни ўрганади.

Сизга тилагим, йўлдан адашманг. Ҳозирги бироз қийинчилик кунларида довдираб қолманг. Ўқиш ҳар доим керак. Бозорчарни билиш керак, сотув-олув деган нарсаларнинг мазмунига тушуниш керак. Лекин буларни деб ўқишга, ўрганишга лоқайдлик қилсангиз кўп нарса йўқотган буласиз. Чунки ҳозирги билимингиз, тошга ўйилган ёзувдек қалбингизга жойлашиб қолади.

Узрим, бу сўзларни минг бора эшитган бўлсангиз ҳам, яна эсингизга солгим келиб кетди. Янги йилда аввало юртимиз тинч бўлсин. Хонадонлар обод бўлсин. Ота-онангизнинг бахтига, мустақил Узбекистонимизнинг бахтига сиз ҳам катта-катта йигит-қизлар бўлиб етишинг. Илло, шу юрт сизники, бизники — ҳаммамизники!

● *Янги йил дастурхонига*

Янги йил эшик қоқмоқда. Ҳаммай ҳар бир хонадонда байрам дастурхони безатилади. Дастурхонинг тўкин, файзли чиқиши учун эса оиланинг ҳар бир аъзоси астойдил ҳаракат қилади. Айниқса, ойижону опажонларингиз. Сиз, пазанда ва чаққон қизларимиз ҳам бу борада уларнинг энг яқин кўмакчилари буласиз. Шундай экан, ўз қўлингиз билан тайёрланган ширинликлар турли хил салатлар билан дастурхон тўшашга не етсин?!

Шу мақсадда, бугун сизга «Байрам» торти ҳамда турпли салатни қандай тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар бермоқчимиз. Ишонамизки, сиз тайёрлаган ширинликлар байрам дастурхонининг кўрки бўлади.

«БАЙРАМ» ТОРТИ

Сирли идишга 2 дона тухумни чақиб, бир пиёла шакар билан яхшилаб қўпиртирасиз. Ярим банка қуюлтирилган сут ҳамда бир пиёла қаймоқ, ярим чой қошиқда истеъмол содаси солиб яна аралаштирасиз. Ҳосил бўлган массага бир пиёла ун қўшиб суюқроқ хамир қорасиз. Товага юмшоқ қоғоз солиб, хамирни бир текисда қўйиб чиқасиз ва ўртача оловда пиширасиз. Пишган кулчангизнинг юзига крем суртиб, майдаланган ёнғоқ мағзи билан безатасиз.

250 грамм юмшатилган сариёғга ярим банка қуюлтирилган сут қўшиб крем тайёрлайсиз. Унга қизил лавлагини қиргичдан ўтказгач сувини қўшиб ёки 2 ош қошиқда какао солиб, ранг беришингиз ҳам мумкин.

ТУРПЛИ САЛАТ

Бундай салат тайёрлаш учун турпни майда тўғрайсиз. Қизил сабзини қиргичдан ўтказгач барра укропни майда қилиб тўграб, аралаштирасиз. Сўнгра бир пиёла сметана ҳамда таъбга қўра туз солиб, чиройли ликобчаларда дастурхонга тортасиз.

Бунинг учун қуйидаги маҳсулотлар талаб қилинади: 2 дона турп, 2 дона қизил сабзи, бир боғ укроп, 100 граммча сметана ва бир чимдим туз.

КИРИБ КЕЛДИ ЯХШИ ЙИЛ!

Эски йилни
кузатиб,
Кулиб келди
Янги йил.
Янги қувонч
шодликлар
Олиб келди
яхши йил.
Совға-салом-
лар билан,
Шодлик тақиб
арчага.
Кулиб келди
Янги йил,
Завқ улашиб
барчага.

Матлуба ҚОСИМОВА,
Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 16-мактаб ўқувчиси.

	Далв - Январь	Ҳут - Февраль	Ҳамал - Март	Савр - Апрель	Жавзо - Май	Саратон - Июнь	Асад - Июль	Сунбула - Август	Мезон - Сентябрь	Акраб - Октябрь	Қавс - Ноябрь	Жадди - Декабрь
Д	1 8 15 22 29	5 12 19 26	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30
С	2 9 16 23 30	6 13 20 27	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31
Ч	3 10 17 24 31	7 14 21 28	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25
П	4 11 18 25	1 8 15 22 29	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26
Ж	5 12 19 26	2 9 16 23	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27
Ш	6 13 20 27	3 10 17 24	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28
Я	7 14 21 28	4 11 18 25	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	1 8 15 22 29

Оби-ҳаво опамга хат

— Ассалому-алайкум, Обиҳаво опа! Бир мартагина етти кун эримайдиган қор ёғдириб беринг?!

Барно ОДИЛОВА
Тошкентдаги 83-мактабнинг 4-«Б» синф ўқувчиси.

СИЧҚОН ОВЛАБ...

Ой тақвими бўйича яқинлашиб келаётган Сичқон йилини қандай нишонлаган яхши? «Сичқонларни оммавий равишда овлаш билан...» жавоб беришади Пекин шаҳар ҳукумати вакиллари. Уларни бу ердаги мактаблар, олийгоҳлар, умумий овқатланиш корхоналар, казармалар, меҳмонхона, касалхона ҳамда бозорларда кўплаб учратиш мумкин. Пекинликлар бу чақириққа ҳамжиҳатлик билан жавоб беришди. Фақатгина мутахассислар: «сичқон дориларини қўллашда хатоликка йўл қўйилмаса бўлгани» дея огоҳлантирмоқдалар.

***

ҚОРБОБОНИНГ КИЙИМИ

Қорбобонинг кийими қандай рангда бўлиши лозим? «Қизил», — жавоб берасиз сиз. «Яшил», — жавоб беришади Туркиянинг Анталия қишлоғида декабрь фестивали ўтказувчилари. «1996 йилда Қорбобо одатдагидек қизил эмас, яшил бўлиши зарур, — аниқлик киритишади улар ўз фикрларига, — чунки биз уни табиатнинг тўла ҳуқуқли хўжайини ҳамда сайёрамизнинг бош экологи этиб тайинлаймиз. Яъни Еримиз, сувимиз, ҳавомиз ва ўрмонзорларимизни ўзимиздан ҳимоя қилади».

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ?..

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г 0561.
11.000 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5 6